



## МАҲАЛЛАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТДАГИ МАЬНАВИЙ ФАОЛЛИГИНИ СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бердиёрова Шоира Ахмаджоновна

*A.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети,  
мустақил тадқиқотчиси*

Мазкур мақолада маҳаллаларда хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги маънавий фаоллигини синергетик ёндашув асосида такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, хотин-қизларни маънавий фаоллигини такомиллаштириш муаммолари республикада амалга оширилаётган янгича ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида жамият тараққиёти ва келгуси авлод тарбияси билан узвий боғлиқ эканлиги амалий тажрибалар орқали таҳлил қилиб берилган.

**Калит сўзлар:** хотин-қизлар, давлат, жамият, жамият тараққиёти, маънавий фаоллик, миллат тарбиячиси, баркамол инсон, маданият, қадрият, онг, тафаккур, маданий даража, улуғлаш, ардоқлаш.

**Аннотации.** В данной статье с научно-теоретической точки зрения объясняются особенности совершенствования духовной активности женщин в государстве и обществе в микрорайонах на основе синергетического подхода. Также в статье на практическом опыте анализируется, что проблемы совершенствования духовной активности женщин как составной части реализуемых в республике новых реформ неразрывно связаны с развитием общества и воспитанием подрастающего поколения.

**Ключевые слова:** женщина, государство, общество, общественное развитие, духовная деятельность, воспитательница нации, совершенный человек, культура, ценность, сознание, мышление, культурный уровень, похвала, честь.

**Annotations.** In this article, from a scientific and theoretical point of view, the features of improving the spiritual activity of women in the state and society in microdistricts are explained on the basis of a synergistic approach. The article also analyzes on practical experience that the problems of improving the spiritual activity of women as an integral part of the new reforms being implemented in the republic are inextricably linked with the development of society and the upbringing of the younger generation.

**Key words:** woman, state, society, social development, spiritual activity, educator of the nation, perfect person, culture, value, consciousness, thinking, cultural level, praise, honor.



Аёл — жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси. Унинг меҳр-муҳаббати келажагимиз эгаларининг жонажон Ватанимиз равнақи ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қиладиган баркамол инсонлар сифатида вояга етишида муҳим омил ҳисобланади. [4] Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун барча шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди [7]

Дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, онгу тафаккури, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини белгиловчи, таълим-тарбиясини такомиллаштирувчи бу — аёлдир. Хотин-қизларга бўлган муносабат, хурмат-эҳтиромни давлатнинг уларга бўладиган муносабатида белгилаш мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралса, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига қўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган миллат сифатида ҳурмат қозонади.

Демак, синергетик ёндашув асосида хотин-қизлар маънавий-маърифий фаоллигини такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, халқимиз томонидан яратилган ёзма ва оғзаки ижодиёт намуналари (Ўрта Осиё ва Шарқ мутафаккирларининг дурдона асрлари назарда тутилган);

Иккинчидан, халқ маънавиятининг сарчашмалари бўлган миллий анъаналар, урф-одатлар, ҳадислар, ҳикматлар, доналар бисоти ёрдамида оиласда фарзанд тарбиясига маъсул аёлларнинг маърифий дунёқарашини бойитишига эришиш;

Учинчидан, умуминсоний қадриятларга айланган жаҳон интеллектуал мулки Ғарб мутафаккирлари ижодиёти ва жаҳон маданиятини ўрганиш;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти асрлари;

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонун, Қарор, фармон ва фармойишлари, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатлар.

Биламизки ҳар қандай Қонун халқ маънавиятининг кўзгусидир. Шу нуқтаи назардан қараганда жамият маънавий ҳаётида аёллар фаоллигини оширишнинг ўзига хос муаммолари бўлиб: булар ижтимоий-сиёсий, оилавий, аёллар бандлиги, ҳуқуқий мақоми, замонавий мутахассисликларни эгаллаши, нодавлат ташкилотларидаги фаолияти, саломатлиги, фарзанд тарбияси, алоқа воситаларида иштироки, атроф-муҳитни асраш, заарали оғатлардан сақлаш, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишдан иборат. Мазкур муаммолар ечимини ўрганишда биз қуйидаги категориялар асосида иш кўришни лозим топдик.



Субстанционал категория - “маънавият”, “маърифат”, “маданият”, “адолат”, “иймон”, “эътиқод”, “диёнат”

Функционал категория -“инсонпарварлик”, “маърифатпарварлик”. “адолатпарварлик”, “фидойилик”, “илмлилик”

Аксиологик категорияларга –“комил инсон”, “ориф инсон”. “фозил инсон”, “фидойи аёл”, “иймонли аёл” тушунчалар моҳиятини очиб бериш;

Педагогик адабиётлар таҳлилидан биламизки, “маънавият” ўз навбатида “маънавият”, “маърифат”, “ғоя”, “мафкура”, “амалиёт” каби таркибий қисмларга бўлинади.

Маънавият бўлмаган жойда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади. Ғоявий бўшлиқни эса фақат илм, маърифат, маънавият билан тўлдириш мумкин[2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 март 2022 йилдаги ПФ-81-сонли “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам “оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш” масалаларига алоҳида урғу бериб ўтилган.

Хотин-қизларни маънавий фаоллигини такомиллаштириш муаммолари Республикада амалга оширилаётган янгича ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида жамият тараққиёти ва келгуси авлод тарбияси билан узвий боғлиқдир. Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида хотин-қизларни ижтимоий ва маънавий ҳаётда фаоллигини ошириш қўйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

1.Хотин-қизларни маънавий фаоллигини такомиллаштириш масаласи сиёсий ва ижтимоий аҳамияти билан умуммиллий даражадаги муаммо тавсифига эга бўлиб, барча этник - миллий гурухларнинг вакиллари манфаатлари, эҳтиёjlари, ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқлидир.

2.Мазкур масала ташкилий ва мазмун жиҳатдан ҳуқуқий ва ижтимоий тенгликни белгилайди. Хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўнижмалар олишлари давлат ёрдами ва ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий йўналишдаги ечимини кутаётган муаммоларини ўзида мужассамлаштиради.

3.Хотин-қизларни маънавий фаоллигини такомиллаштириш зарурияти, ёшлар тарбиясига эътиборни ошириш муҳимлиги, қизларни миллий руҳда тарбиялашга таъсир қилувчи “маълумотлар”ни миқдор жиҳатдан кўпайиши билан боғлиқдир.

4.“Оила – муқаддас” деган азалий ва эзгу ғоя қадрсизланишини олдини олиш;

5.Хотин-қизларни маънавий фаоллигини такомиллаштириш учун «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этилганлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тузилмаси; маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, “Оила”



маркази ёки нодавлат муассасалари ижтимоий - ҳуқуқий мақом, тегишли дастур ва низомлар билан қонуний таъминланиши зарур. [1]

Шу нуқтаи назардан қараганда, синергетик ёндашув асосида маҳаллаларда хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги маънавий фаоллигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган фаолият мазмуни уч йўналиш бўйича амалга оширилди:

1. Маҳаллалар кесимида хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида маънавий фаоллигини оширишга қаратилган, шунингдек гендер тенглик ва оила масалаларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

2. Синергетик ёндашув асосида маҳаллаларда хотин-қизларнинг маънавий-аҳлоқий ва маданий манфаатларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

3. Оила институтини мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этиш орқали оиласидаги соғлом ва маънавий мухит барқарорлигини таъминлашда маҳалла фаоллари масъулияти ва жамоатчилик жавобгарлигини ошириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш.

Маҳаллалар кесимида хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида маънавий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳаларини ишлаб чиқиша:

- хотин-қизларнинг соғлом, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифалари уйғунлигини таъминлаш;

- оиласидаги, маънавий, аҳлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш ва ёшлар (қизлар)онгига сингдириш;

- эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларнинг устувор йўналишларини белгилаш асосида қизларни ҳаётга тайёрлаш;

- аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиши;

Маҳаллаларда хотин-қизлар маънавий-маърифий фаоллигини такомиллаштиришда:

- хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш, илмий фаолиятга кенг жалб қилиш;

- оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;

- хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникумаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ



жойлардаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш;

-хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

-хотин-қизлар йўналишидаги ННТ фаолиятига ёрдам кўрсатиш. [6]

Синергетик ёндашув асосида хотин-қизлар маънавий-маърифий фаоллигини такомиллаштириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у оила, меҳнат фаолияти, маҳалладошлари ва жамoa билан муносабатида намоён бўлади. Хотин-қизлар фаоллигининг ижтимоий портрети бу илмий, ижодий фаолиятда, ижтимоий ишлаб чиқариш ва оилавий вазифаларни бажаришдаги ўзига хос хусусиятларни белгилайди.

Тарихдан маълумки, жамият тараққиётида илм-маънавиятнинг асосий мезони ҳисобланган. Тарихийлик тамоилига назар ташласак, хотин-қизлар маънавий фаоллигини ошириш хусусияти турли ижтимоий даврларда жамият тараққиёти, ижтимоий -иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ равища турлича талқин қилинган. М. Холматованинг тадқиқотларида аёлнинг жамият ҳамда оиладаги мавқеи таҳлил этилган. Масалан, моногам оила вужудга келганда аёл фақат бола туғиши, уни парвариш қилиш, тарбиялаш ва уй-рӯзғор ишлари билан банд бўлган ва узоқ йиллар аёл фаолияти, унинг фаоллиги фақат оила даврасида бўлиб, жамиятдаги ўрнига эътибор берилмаган.

Тарихий манбаларга мурожаат қиласа эканмиз, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда буюк жасорат соҳибаларининг номлари ҳам келтириб ўтилганига гувоҳи бўламиз. Аёллар орасидан шавкатли ҳукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, сухандон шоиралар ва зукко санъатшунослар етишиб чиқсан. Чунончи, массагетлар ҳукмдори Тўмарис, Сарой Мулкхоним, Гулбаданбегим, Нодирабегим, Жаҳон Отин Увайсий, Дилшоди Барно, Анбар Отин, Зулфия, Саида Зуннунова каби ўз даврининг машҳур аёлларини санаш мумкин. Жаҳонда донғи кетган машҳур аёллар ҳам кўп, булардан Margaret Tетчер, Хиллари Клинтон, Кандолиза Райс, Тансу Чиллер, Беназир Бхутто, Индира Гандиларни билмайдиган кам топилса керак. Улар ҳалқ маданияти, маърифатига ҳисса қўшиб, юрт тинчлиги ва осойишталиги учун қайғурган, бу йўлда тинмай меҳнат қилиб, Ватани ривожи учун улкан ҳисса қўшган ўз даврининг етук, жасоратли, илмли аёллари ҳисобланади. Шарқда аёл киши уй-рӯзғор ва фарзанд тарбиясига масъуллиги билан бирга, турмуш ўртоғига дўст, маслаҳатчи ва елкадош бўлиши лозим.

Гарчи тарихда машҳур зотлар, саркардалар, давлат арбоблари, ватанпарвар ва маърифатпарвар кишиларнинг оқила ва зукко, билимли аёл ҳамроҳи бўлганлигини эсда тутиш лозим. Тарихий манбаларнинг маълумотларига кўра, соҳибқирон Амир Темурнинг рафиқаси ўта зийрак, тадбиркор Сарой Мулкхоним



салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг улканлиги бош омил бўлган. Зотан, Сарой Мулк хоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси бўлган. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, ватанин севгувчи, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл сифатида келтирилади. Давлат ва жамият ҳаётида муҳим вазифаларни ўз зиммасига олишга қодир бўлган бундай аёллар ҳақида тарихий адабиётлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. [8]

Илмий адабиётлар таҳлилига кўра, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш масалалари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, ғоявий-мағқуравий ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда юз беради. Ҳар бир давлат ва жамият ривожланишида умумийлик, мутаносиблик билан бирга ўзига хослик ҳам бор. Улуғ аждодларимиз Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Унсурулмаолий Кайковус, Аҳмад Юғнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби алломаларнинг асарлари орқали хотин-қизлар саводхонлигини ошириш масалаларига эътибор бериш ва шу асосда оиласда фарзанд тарбияси борасидаги қимматли фикрлари ҳозирги давр учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатди, бундан бир неча йил аввал Америка Қўшма Штатларида “Аёллар ҳуқуқи декларацияси” қабул қилинган бўлиб, мазкур декларацияда “Аёллар тарихи- аёлларнинг эркаклар томонидан доимий ҳукмронлик остига олиниши тарихидан иборат” масалалар кўриб чиқилган. Ўрта аср тарихига назар ташласак, мазкур даврда Оврупо ибодатхоналарида “Аёл одамми ёки одам эмасми?” деган мавзуларда баҳс мунозаралар бўлиб ўтган. Ҳаттоқи, 1595 йили Олмонияда “Аёлнинг одам эмаслиги ҳақида диссертация” китоби нашр қилинган. Тадқиқотчилардан кўпчилиги аёл табиатига кўра товус, илон, бўри, тулки ва бошқа нарса, лекин одам эмас деб талқин қилганлар [6]

Аста-секин саноатнинг ривожланиши, жамият тараққиёти билан боғлиқ бўлган бу ўзгаришлар натижасида ишлаб чиқаришда иш кучига талаб орта борган сари аёлни ҳам ишлаб чиқарувчи куч сифатида ўз имкониятларини намоён этиши учун шароит юзага келди. Бу ўзгаришлар аёлни инсон сифатида тан олиш ва уларнинг эркаклар билан тенглиги ғоясининг вужудга келишига пойдевор бўлди.

1789 йилда француз файласуфи Ж.А.Кондорсе “Аёлларга фуқаролик ҳуқуқини бериш ҳақида”ги мақоласида аёлларни миллатнинг бир қисми, жамият аъзоси деган илғор ғояни илгари сурди.



1791 йилда эса Олимпия де Гуж “Фуқаролик ва аёл ҳуқуқи деклорацияси”ни тайёрлаб, аёллар ҳам фикрини эркин айтиш ҳуқуқига эга деб эътироф этди.

Француз олими Пьер Жозеф Прездон “Адолат ҳақида” асарида аёлларни қушга қиёслайди ва биринчи марта уларга нисбатан “Оила негизини сақловчи” деган иборани ишлатади. Ҳақиқатдан ҳам, оиланинг маънавий-аҳлоқий асосларини ва маданий манфаатларини такомиллаштириш, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда аёл оила негизини сақловчи мустаҳкам Калъа бўлиб ҳисобланади. [5]

Инглиз олими В. Аллиноя “Аёллар оила ва меҳнат орасида” асарида жаҳон аёлларининг ижтимоий меҳнатдаги фаолиятини уч моделга бўлади:

1 – модел. Аёллар уй бекаси. Бунга Фарбий Оврупо мамлакатларини киритади.

2 – модел. Аёллар қисман, ярим кун ишлайдилар. Бунга Нидерландия ва Италия мамлакатлари киради.

3 – модел. Аёллар доимий меҳнат билан банд. Бунга социалистик мамлакатлар киритилади.

Акцелерация, модернизация, урбанизация, ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар, бугунги ислоҳотлар билан бугунги кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маънавий маданиятини шакллантиришга, ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга замин яратди, жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини оширди. Улар ўз истеъодод ва қобилияtlарини намоён этиш имкониятига эга бўлдилар.

Жаҳон халқлари каби Ўзбекистонда ҳам 15-май - Халқаро Оила куни байрам сифатида нишонланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрида бўлиб ўтган йиғилишида 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 май кунини Халқаро Оила куни сифатида нишонлашга қарор қилинди. Бу қарорни қабул қилишдан мақсад - барча тараққийпарвар ва тинчликпарвар инсоният диққатини инсон ўз умрини ўтказадиган, ўз орзу умидлари, баҳту саодатини ҳамда тинчлигини таъминлайдиган маскан - оиланинг мустаҳкам бўлишига қаратишдир. [7]

1979 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан аёллар ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун сифатида эътироф этилган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги (CEDAW, 1981 йил 3 сентябрда кучга кирган ва 189 давлат томонидан ратификация қилинган) конвенция 1995 йилда Олий Мажлис томонидан ратификация қилинди. [9] Унинг қатор моддалари имплементация қилинган ҳолда миллий қонунчиликка киритилди. [4]

БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситилишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақида”ги [3], Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналики мухофаза қилиш тўғрисида”ги [4], “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситилишлар



тўғрисида"ги [5] конвенциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, жамият тараққиёти-маънавияти-буюк давлат қуриш пойдевори халқнинг маънавиятини бойитиш ва уни мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, бу борада жамиятнинг фаол иштирокчилари саналган хотин-қизлар маънавий фаоллигини ошириш муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Маҳалланинг жамоа ўртасида олиб борадиган анъанавий фаолият йўналишлари маҳалла – шахс, маҳалла – жамият, маҳалла – оила устуворлиги ва ҳимояси, маҳалла – миллий хавфсизлик, маҳалла – диний эътиқод, маҳалла – давлат қурилиши, маҳалла – тарбия, маҳалла – саломатлик, маҳалла – хотин-қизлар ва келажак авлод тарзида ташкил этилиши маънавий ва жисмоний соғлом қизларни ҳаётга тайёрлашда муҳим рол ўйнайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар. -Т.,2000.- Б 39

2.[https://nrm.uz/contentf?doc=150688\\_](https://nrm.uz/contentf?doc=150688_)

3.<https://yuz.uz/news/>

4.<https://uza.uz/ru/posts/hotin-qizlar-faolligi>

5.[http://themuratovs.narod.ru/sacred.html.](http://themuratovs.narod.ru/sacred.html)

6. Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. <https://www.lex.uz/ru/docs/2685528>.

7.Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция. [https://lex.uz/docs/2747578.](https://lex.uz/docs/2747578)

8.<https://www.researchgate.net/publication/> Буюк ўзбек аёллари" / The Great uzbek womenJan 2016 27-28 Н Нишонова

9.Эгамбердиева Т.А. Ўзбекистон Республикаси маънавий ҳаётида аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий педагогик асослари. П.ф.доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент-2005

10.Ahmadjonovna, B. S. (2021). Pedagogical and psychological bases of ensuring the active participation of women in the state, society, mahallas on the basis of synergetic approach. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 10(2), 228-234.

11.Бердиёрова, Ш. А. (2021). СОТРУДНИЧЕСТВО ГОСУДАРСТВЕННЫХ И НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ПОВЫШЕНИИ ДУХОВНОЙ И ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН В ОБЩЕСТВЕ НА ОСНОВЕ СИНЕРГЕТИЧЕСКОГО ПОДХОДА. In EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY (pp. 34-36).

12.Ahmadjonovna, B. S. (2021). Pedagogical and psychological bases of ensuring the active participation of women in the state, society, mahallas on the basis of



synergetic approach. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 10(2), 228-234.

13.Бердиерова, Ш. А. (2021). СОЦИАЛЬНАЯ РОЛЬ ЖЕНЩИН В ОБЩЕСТВЕ: Бердиерова Шоира Ахмаджоновна, преподаватель кафедры “Теории п